


Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад



15:00 / 27.12.2020 1614

Шайхулолам, муҳаддис, садук, муснид Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ханб Бухорий Бағдодий. Лақаблари - «Деҳқон».

Бухорода истиқомат қилиб, у ернинг мусниди бўлганлар.

266 йилда таваллуд топганлар.

Ёшликларида Яҳё ибн Абу Толиб, Ҳасан ибн Муқрам, Мусо ибн Саҳл Вашшо, Жаъфар Соиғ, Абу Бакр ибн Абу Дунё, Абу Қилоба Раққоший ва уларнинг табақасидагилардан ҳадис эшитганлар.

Бу кишидан Абу Аҳмад Ҳоким, зоҳид Исмоил ибн Ҳусайн, Али ибн Қосим Розий, Аҳмад ибн Валид Завзаний (Байҳақийнинг шайхлари), Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Бухорий, ҳофиз Муҳаммад ибн Аҳмад Ғунжор ва Мовароуннаҳр аҳли ҳадис ривоят қилганлар.

Оталари асли бухоролик бўлиб, Бағдодга бориб, оила қурганлар. Абу Бакр Бағдодда туғилиб, ўша ерда вояга етганлар. 20 ёшга кирганларида ота юртларига қайтганлар. Шофеъий мазҳабининг фақиҳи, муҳаддис, серфаҳм бўлганлар.

Абу Комил Басрийга баъзи шайхлари шундай дебдилар: «Биз Ибн Ханбнинг мажлисларида эдик. Уч саҳобий: Абу Бакр, Умар, Усмон розияллоху анҳумлардан сўнг Али розияллоху анҳунинг фазилатлари тўғрисидаги ҳадисларни ёздирётган эдилар. Абул Фазл Сулаймоний ўринларидан

сапчиб турдилар ва: «Эй одамлар, бу одам – дажжол. Унинг ҳадисини ёзиб олманглар», – деб қичқирдилар-у, мажлисдан чиқиб кетдилар. Чунки у киши Али розияллоҳу анҳудан олдинги уч саҳобийнинг фазилатларини эшитмаган эдилар».

Бу ҳол Сулаймонийнинг пешхез, қўпол одамлигидан далолатдир. Аллоҳ уни афв этсин.

Ибн Ханб 350 йили ражаб ойининг бошида вафот қилганлар.

«Машҳур даҳолар сийрати» китобидан